

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19732134>

Жуманиёзов Нодирбек Гиёс ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Криминология тадқиқот институти
мустақил изланувчиси*

Аннотация

Мазкур мақолада вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар объектив белгиларининг назарий-ҳуқуқий мазмуни таҳлил қилинган. Шунингдек, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг объектив белгиларини аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилиш, шахснинг ғайриижтимоий қилмишлари жиноят деб топилиши, унинг оқибати қандай бўлиши, айрим ҳолларда оқибатнинг мавжудлиги ёки йўқлиги шунингдек, сабабий боғланишни аниқлаш, жиноят натижасида етказилган зарарнинг айнан шахс қилган ҳаракатларидан келиб чиққанини исботлаш ва бошқа шу каби ҳаракатларни аниқлашда намоён бўлиши илмий жиҳатдан изоҳланган.

Калит сўзлар

16 ёшга тўлмаган шахс, жинсий алоқада бўлиш, дахлсизлик, педофилия, жисмоний зўравон, жинсий эркинлик, объект, объектив томон.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг юқоридагилардан ташқари объектив томондан жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланган ҳолда ҳам содир этилади.

Ожизлик ҳолати деганда, жабрланувчининг шундай ҳолати тушуниладики, бунда у ўзига нисбатан содир қилинаётган ҳаракатларни тушунмайди ёки тушунсада, ўз иродасини кўрсатиб қаршилик қилиш имкониятига эга бўлмайди. Бу борада А. Қодиров ожизлик ҳолатига кўйидагича таъриф беради: “ожиз аҳволдалик – шахснинг жисмоний ва рухий ҳолатига кўра ўзига нисбатан содир қилинаётган жиноий ҳаракатларни тўғри баҳолашга ёки унга қаршилик кўрсатишга ёки хавфдан бошқача усулларда қочиб қутилишга қодир бўлмаслигидир”⁴². Олимнинг мазкур тарифи анча мукамал бўлса-да, бизнинг назаримизда, бу ерда

⁴² Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. –Монография. Т: Адолат 2018. – Б. 50

шахнинг хавфдан қочиб қутилиши эмас, балки хавфни ўзидан бартараф эта олиши кўзда тутилса тўғри бўлар эди. Польша давлатининг жиноят кодексига эса ожиз аҳволдаги, ўзининг ақлий даражасининг пастлиги ёки рухий касаллиги туфайли унга нисбатан содир этилаётган қилмишнинг моҳиятини англай олмайдиган шахсларга нисбатан шахвоний тусдаги ҳаракатлар қилганлик учун мустақил жиноий жавобгарлик белгиланган⁴³.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарорида ожиз аҳвол сифатида, алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар таъсирида келиб чиққан шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олиниши мумкинки, бунда жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлганлиги кўрсатилган⁴⁴. Иш бўйича жабрланувчи бундай ҳолатга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, наркотик, уйқудори берган ва ҳ.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз аҳволда бўлганлиги аҳамият касб этмайди.

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида К. П. Пайзуллаев ожизлик ҳолатини икки турга бўлади:

Биринчиси, жисмоний ожизлик ҳолати. Бунда жабрланувчи ўзи билан жинсий алоқа қилинаётганлигини, жинсий алоқанинг моҳиятини англаб етмайди, лекин жисмоний етишмовчиликлари туфайли (масалан вояга етмаганнинг айбланувчига нисбатан заифлиги, касаллиги ва ҳ.к туфайли) айбдорга қаршилик кўрсата олмайди.

Иккинчиси, рухий ожизлик ҳолати. Бунда жабрланувчи ўзига нисбатан қилинаётган ҳаракатларнинг, жинсий алоқа моҳиятини англаб етмайди ва шу боис зўрлик ишлатувчига қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ожизликка боланинг ёшлиги, рухий касаллиги ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлади⁴⁵.

Шунингдек, жабрланувчининг ожизлик ҳолати унинг мастлик (алкоғоль, наркотик истеъмол қилиши) ҳолатидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Тадқиқот натижаларига кўра, 12,9% ҳолатларда ушбу турдаги жиноят

⁴³ Уголовный кодекс Польши. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс, 2011. – С.150.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2414120>

⁴⁵ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминалогик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 70.

жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб қилинган⁴⁶лиги, 31% ҳолатларда эса жиноят содир этилаётган вақтда жабрланувчи мастлик ҳолатида бўлганлиги аниқланган⁴⁷.

Тадқиқот доирасида рухий касалликка чалинган бола билан зўрлик ишлатмасдан жинсий алоқага киришишнинг жавобгарлик масаласини ҳам кўриб чиқишимиз лозим. Қ.П.Пайзуллаев фикрига кўра⁴⁸, рухий касалликка чалинган шахс билан жинсий алоқага киришиш номусга тегиш деб қаралиши керак. Лекин бу фикр тўлиқ эмас, чунки рухий касалликлар турли хил бўлиб, турли хил оқибатларга олиб келади. Ундан ташқари, ушбу касалликлар турли ҳолатларда кечиб, рухий касалликка чалинган аёл ёки эркак киши ҳар доим ҳам уларга нисбатан содир қилинаётган ҳаракатларни англаб етмасликлари мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, фикримизча, ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмайдиган ва уларга нисбатан содир қилинаётган ҳаракатларнинг моҳиятини англаб етмайдиган рухий касалликка чалинган шахслар билан жинсий алоқага киришишни номусга тегиш деб фақат айбдор жабрланувчининг аҳволини билган ва ундан фойдаланган ҳолдагина тан олинади.

Шунингдек, 16 ёшга тўлмаган жабрланувчи жинсий алоқанинг моҳиятини ва унинг қандай оқибатларга олиб келишини ёшлиги туфайли англаб етмаган ҳолда айбдор билан жинсий алоқа қилишга розилик берган бўлса ва айбдор юқоридаги ҳолатлардан фойдаланиб жабрланувчининг розилиги билан жинсий алоқага киришса, бу ҳолатни жабрланувчининг ожиз ҳолатидан фойдаланиш деб ҳисоблаш лозим. Бунда ишдаги барча далилий ҳолатлар, жабрланувчининг психик ривожланганлик даражасини ўрганган ҳолда қилмишни Жиноят кодексининг 118-моддаси учунчи қисми “а” банди билан ёки, агар жабрланувчи 14 ёшга тўлмаган бўлса шу модданинг тўртинчи қисми билан квалификация қилиш лозим бўлади⁴⁹.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу жиноят формал таркибли бўлиб, содир этилган вақтида тугалланган ҳисобланади. Обьектив томоннинг бошланишини изохлайдиган ҳаракатларга қуйидагилар кириши мумкин, масалан: кийимни мажбуран ечиш, йиртиш, жисмоний шикаст етказиш ва

⁴⁶ Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома. Диссертациянинг 7-иловалар қисмида келтирилган.

⁴⁷ Ўша манбаа.

⁴⁸ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиний дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 70.

⁴⁹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиний дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

калтаклаш, қийноққа солиш ва бошқа шунга ўхшаш жабрланувчининг иродасини синдирадиган қилмишлар тааллуқлидир⁵⁰. Лекин бизнингча, номусга тегишга суиқасд деб топиш учун юқоридаги ҳолатлар камлик қилади ва бу ерда айбдорнинг касди айнан номусга тегишга қаратилганлигини аниқлаш муҳимдир⁵¹. Мисол учун айдор юқоридаги ҳаракатларни содир этиш орқали номусга тегишни кўзламасдан шунчаки жабрланувчини шарманда қилишни, ҳақоратлашни, камситишни кўзлаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатлари номусга тегишга суиқасд қилиш эмас, балки шахсга қарши қаратилган бошқа турдаги жиноят сифатида баҳоланган лозим.

Кейинги масала эса, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришдир. Суд тиббиёт мутахасислари жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулларда қондириш тушунчасини ва жинсий эҳтиёжни табиий усулда қондириш ўрнини босувчи жинсий алоқа қилишнинг ноодатий усуллари ва йўллари тушунчаларини бир хил тушунча деб таъкидлайдилар. Бундай усул ва йўлларга улар тўғри ичак (caitus per anum)⁵², оғиз (caitus per os)⁵³ орқали жинсий алоқа қилишни, садизм⁵⁴ (аёлни жинсий алоқа қилишда қийнаш), мазохизм⁵⁵ (эркакни аёл томонидан жинсий алоқа қилиш давомида қийнаш)ларни кўрсатадилар⁵⁶.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки “коитус” ҳолати (“междубедерный коитус” – жабрланувчининг икки оёғи орасидан фойдаланиб жинсий эҳтиёжни қондириш) ҳам жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш характеридаги қилмишлар тоифасига киритилган бўлиб, бундай характеридаги қилмишларни уятсиз-бузуқ ҳаракатлар деб квалификация

⁵⁰ Рустамбоев М.М Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Т. Адолат нашр. 2022. – Б.154

⁵¹ Бюллетень Верховного суда Российской Федерации. №8. – С.5.

⁵² Anal seks (lotincha anus — anus), shuningdek, analizm, anal koitus, anal penetratsiya, anal aloqa, orqa o'tish joyi aloqasi - amalga oshirilayotgan jinsiy aloqa bir sherigining anal teshigiga boshqa bir sherigining jinsiy olatni, falloprotezni yoki falloimitatorni kiritish orqali jinsiy aloqa.

⁵³ Minet ([mɪˈnɛt]; fransuzchadan minette [mi.nɛt] — mushukcha, faire des minettes — (so'zlashuv tilida) qitiqlash, navozish qilmoq) - og'zaki seks iborasi uchun yig'ma nom bo'lib, qabul qiluvchi sherik tomonidan jinsiy olatni passiv ravishda og'iz, til, tish yoki tomoq bilan shahvatni qondirishdir.

⁵⁴ Sadizm (uni ta'riflagan Markiz de Sad nomi bilan atalgan) keng ma'noda zo'ravonlikka moyillik va boshqalarni kamsitish va qiynoqqa solish jarayonidan zavqlanishdir.

Понятие «садизм» впервые введено в научный обиход австро-немецким психиатром Рихардом фон Крафт-Эбингом в изданной в монографии «Половая психопатия».

⁵⁵ Mazoxizm (nemischa Masochismus) - xo'rlanish, zo'rlanish yoki qiynalish jarayonini boshdan kechirishdan zavq olishga moyillik.

Может быть чертой характера или девиацией в поведении. Термин был введён психиатром и неврологом Рихардом фон Крафт-Эбингом в монографии «Половая психопатия».

⁵⁶ Роземблом Е.Е., Сердюков М.Г., Мосляков В. Судебно-медицинская, акушерско-гинекологическая экспертиза. – М.: Медицина, – С.10; Сердюков М.Г. Судебная гинекология и судебное акушерство. – М.: Медицина, – С.127.

қилиш ҳолатлари ҳозирги суд амалиётидаги камчиликлардан бири бўлиб қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юқоридагиларнинг бирортасини жинсий алоқа деб бўлмайди. Тўхталиб ўтганимиздек, жинсий алоқа деганда фақат қарама-қарши жинс вакилларининг жинсий органлари орқали табиий қўшилиши тушунилади. К. П. Пайзуллаев таъкидлаганидек, жинсий эҳтиёжни қондиришга қаратилган қолган барча ҳаракатлар жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ҳаракатларига қиради.

Жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жинояти бўйича ҳам жиноят нормаларини изоҳласак, юқорида таъкидлаганимиздек ЖКнинг 119-моддасининг тузилиши ва мазмунида жиддий чалкашликлар мавжуд. ЖКнинг 119-моддаси 1-қисми диспозициясида жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришнинг зарурий белгиси сифатида “Зўрлик ишлатиб, кўрkitиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб” содир этиш кўрсатилган. Мазкур модданинг 4-қисми яъни “ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш” қисмига ҳам юқоридаги таъриф ва модданинг қолган қисмлари ҳам таълуқли деган ҳулосага келишимиз мумкин. Аммо, иккинчи тарафдан эса юқорида таъкидланганидек, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс ожиз ахволдаги шахс сифатида қаралишини инобатга олсак, жиноятни жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш деб баҳолашда жиноятнинг зарурий белги сифатида зўрлик ишлатиб, кўрkitиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этиш каби объектив томонларни киритмаслигимиз лозим. Бу эса норманинг структуравий тузилишида чалкашликлар мавжудлигини кўрсатади.

Ф.Тоҳиров таъкидлашича⁵⁷, шахснинг ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятларида асосий белги сифатида қаралиши лозим ва бунда жабрланувчининг хохиши ва ихтиёрий содир этилганлиги квалификация жараёнига таъсир қилмаслиги керак. Ўн тўрт ёшгача бўлган болалар билан ҳар қандай турдаги ғайритабиий жинсий алоқа зўрлик, кўрkitиш ишлатилган ёки ишлатилмаганлигидан қатъий назар жинсий эҳтиёжни ғайритаббий равишда қондириш сифатида баҳолаш лозим.

⁵⁷ Ф. Тоҳиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. УДК 343.54.34. (5751). Тошкент 2007. Б. – 125.

М.Рустамбоев эса, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс билан қилинган табиий жинсий алоқа номусига тегиш сифатида, қолган барча турдаги жинсий алоқалар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан ғайритабиий жинсий алоқа сифатида баҳолаш лозимлигини ҳамда ушбу жиноят бўйича ҳам зарурий белги жинсий алоқанинг ғайритабиийлиги ҳамда шахснинг ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги таъкидлайди⁵⁸.

Хуллас, олимларнинг фикридан келиб чиқиб, юқорида келтирилган объектив томон ҳаракатларни яъни зўрлик, кўрқитиш ишлатилган ёки ишлатилмаганлигидан қатъий назар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш жумлаларини ЖКнинг 119-моддаси 4-қисмида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖКнинг 119-моддаси 4-қисмини қуйидагича баён этиш тавсия этилади:

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс билан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, яъни зўрлик, кўрқитиш ишлатилган ёки ишлатилмаганлигидан қатъий назар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс билан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш –.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 128-моддасига мувофиқ жиноят содир қилишда айбдорнинг таъсир усуллари асосан, илтимос, ваъда бериш, кўндириш, жинсий эҳтирос уйғотиш, жинсий алоқага қизиқтириш кабилар бўлиши мумкин. Шу билан бирга ушбу ҳаракатлар давомида айбдор уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир қилиши мумкин. Бу ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари, агарда жинсий алоқа содир этилган бўлса ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш нормаси билан кўшимча квалификация қилиш шарт эмас.

Шунингдек, 16 ёшга тўлган аёл 16 ёшга тўлган аёл билан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатмасдан ғайритабиий усулда қондирганлиги (лесбианлик) учун жиноят қонунида жавобгарлик мавжуд эмас. Лекин 16 ёшга тўлган аёл киши шундай қилмишни 16 ёшга тўлмаган аёл жинсидаги болага нисбатан содир қилса, уни ЖКни 128-моддаси билан жинсий жавобгарликка тортиш керак бўлади⁵⁹.

Ундан ташқари вояга етмаган шахсни турли ҳил алдов йўллари билан ҳам жинсий алоқа содир этиш мумкин. Ўтказилган таҳлилларга кўра, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш жиноятларининг 40% дан ортиғи

⁵⁸ Рустамбоев М.М Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Т. Адолат нашр. 2022. – Б.101

⁵⁹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хукукий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

алдов йўли билан ишончга кириш орқали содир этилган⁶⁰. Ушбу объектив томон ҳаракати жиноят қонунчилигимизда мавжуд бўлмаганлиги сабабли, квалификация жараёнида чалкашликларни келтириб чиқармоқда.

Бу ҳолатда вояга етмаган шахс жиноятчининг ёлғон маълумоти, сохта ваъдаси, ишончга кириши натижасида рози бўлади. Лекин бу “розилик” ҳақиқий бўлмайди ва юридик кучга эга эмас. Масалан, алдаш турли хил шаклларда намоён бўлиши мумкин (уйланишни ваъда қилиш, яхши ҳаётда яшашга ишонтириш, катталар ҳаёти ҳақида ёлғон маълумотлар бериш (масалан, “ҳамма шундай қилади”) ва х.к).

Вояга етмаган шахсларга алдаш ёки розилик асосида қилинган жинсий муносабатлар жиноят қонунчилигида бир хил жавобгарлик келтириб чиқарсада, аммо алдаш йўли билан жинсий алоқага рози бўлган вояга етмаган ўз ҳаракатларининг тўлиқ маъносини тушуниш қобилиятига эга бўлмаганлиги сабабли унинг рухий, жисмоний ва жинсий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади (депрессия, травма, узок муддатли ишончсизлик) ва бундай ҳолатга учраган болаларда келгусида ўзига бўлган ишонч йўқолади. Ундан ташқари алдаш йўли билан жинсий алоқа қилишга уринган шахслар одатда бу хатти-ҳаракатни такрорлашга мойил бўлиб, такрорий жиноятлар хавфини кучайтиради.

М.Қ. [Ўразалиев](#) алдаш орқали содир этилган жинсий жиноятлар шахсининг розилиги асосида содир этилган жинсий жиноятларда фарқ қилмаслигини ҳамда бунда алдашни оғир оқибатларга олиб келмаслигини таъкидласа, Ф.Тоҳиров⁶¹ эса алдаш йўли билан жинсий алоқа қилиш жамиятда ахлоқсизликнинг ошишига сабабчи бўлишини ва жинсий алоқани шахсининг ишончидан фойдаланиб, уни манипуляция қилиш орқали содир этилишини таъкидлайди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, ЖКнинг 128-моддаси 2-қисмига *алдаш* объектив томон ҳаракатини қўшиш лозим.

Ундан ташқари, интернет ва мобил алоқа имкониятларининг оммавийлашиши билан вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига нисбатан содир этилаётган тажавузлар ҳам ўзининг янги – рақамли шакллари намоён қилмоқда. Болаларга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатларни ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва бошқа онлайн платформалар орқали амалга ошириш ҳолатлари ортиб бораётганини ушбу

⁶⁰ 2020-2024 йиллар жиноят-статистикалари ва суд ҳукмлари таҳлили. Диссертация 8-илоvasида кенг ёритилган.

⁶¹ Ф. Тоҳиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. УДК 343.54.34. (5751). Тошкент 2007. Б. – 125.

ҳаракатлар юзасидан қонунчилик нормаларини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Интернет орқали содир этиладиган уятсиз-бузук ҳаракатлар болаларнинг ахлокий ва руҳий дахлсизлигига жиддий таҳдид солади. Жинойтчилар ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар (Telegram, WhatsApp, Instagram, TikTok) орқали болалар билан алоқа ўрнатиб, уятсиз ёзишмалар юбориш, аудио-видео контент тарқатиш, фейк шахс сифатида ўзини таништириш орқали ишонч қозониш ва манипуляция қилиш каби усуллардан фойдаланмоқда.

Масалан, Cybertip.ca ташкилотининг 2022 йилги ҳисоботига кўра, биргина Канадада болаларга нисбатан онлайн уятсиз ҳаракатлар билан боғлиқ 60 мингдан ортиқ мурожаат қайд этилган⁶².

Профессор Ж.Барлоу ҳам ушбу мавзуга тўхталиб, қонун интернет орқали содир этиладиган зўравонлик усулларига жавоб бера олмаса, жинойтчилар ушбу муҳитдан бемалол фойдаланишини таъкидлайди⁶³.

А.Тажобаева ҳам киберзўравонлик ва болаларга нисбатан интернет орқали содир этиладиган уятсиз-бузук ҳаракатлар замонавий жамиятда жиддий муаммога айланётганлигини ҳамда бу соҳада таълим-тарбия ишлари кучайтирилиши зарурлигини таъкидлайди⁶⁴.

Юқоридаги олимлар фикрларига кўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, жаҳон интернет тармоғи жинойтчиға ўзининг шахсини аноним сақлаш ва жинойтни трансчегарвий тарзда содир этиш имкониятини беради. Бу эса айбдор учун жавобгарликдан қутилиб қолиш имкониятини кенгайтиради. Шу сабабли, кибермаконда бу турдаги жинойтни содир этган шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, 2024 йилда Самарқандда 27 ёшли шахс Telegram орқали ўзини 15 ёшли бола қилиб кўрсатган ҳолда, 13 ёшли қиз билан танишган ва унинг ишончини қозониб, ўзининг жинсий аъзосинини расмини юборган ва ундан ҳам яланғоч расм ва видеоларини юборишини талаб қилган⁶⁵.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга уятсиз-бузук ҳаракатларни телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳолатлари бўйича

⁶² Cybertip.ca. "Reports from the Public Processed in 2022." 2022. Accessed May 10, 2025. <https://www.cybertip.ca/en/about/reports-from-public-processed-2022/C>

⁶³ Internet Watch Foundation. *Annual Report 2022*. Cambridge, UK: IWF, 2023. <https://www.iwf.org.uk>. https://academic.oup.com/bjsw/article/54/1/419/7272719?utm_source=chatgpt.com&login=false

⁶⁴ <https://yuz.uz/news/onlayn-tahdidlar-qarshisidagi-bolalar>

⁶⁵ Жинойт ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди архивидан. №13/12-374 сонли маъмурий иш материаллари.

жиноий жавобгарлик белгилаш лозим. Шундан келиб чиқиб, ЖКнинг 129¹-моддаси 2-қисмини қуйидаги “з” банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

з) телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилса.

Шу ўринда жинсий алоқага розилик деган тушунчага ҳам изох бериб ўтиш лозим. Соҳа мутахассисларидан Ф. Тохиров⁶⁶ қарама-қарши жинсдаги шахсларнинг ихтиёрий равишда, жинсий алоқанинг барча оқибатларини тушуниб етган ҳолда қўшилиши деб таърифласа, Қ. П. Пайзуллаев⁶⁷ эса ўзига нисбатан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирилишига хоҳиш билдириши ва рухсат бериши каби ҳаракатларда ифодаланишини таъкидлайди. Биз эса Қ. П. Пайзуллаевнинг таърифига қўшила олмаймиз, чунки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирилишига хоҳиш билдирилиши жиноятни айнан ЖКнинг 128-моддаси сифатида квалификация қилишда аҳамиятга олинмаслиги лозим. Зеро, ЖКнинг 128-моддаси сифатида квалификация қилишда фақатгина таъбиий жинсий алоқа амалга оширилиши керак. 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилишда жабрланувчининг розилиги деганда, шахснинг таъбиий жинсий алоқага киришишга хоҳиш, розилик ва рухсат берувчи сўзлари, хатти-ҳаракатлари ва имо-ишораларда ифодаланувчи эрки-иродаси тушунилади. Шунингдек, розилик индамай туриш билан ҳам ифодаланиши мумкин. Жабрланувчи шахснинг айбдорнинг жинсий алоқа қилиш юзасидан билдирган таклифига ёки хатти-ҳаракатларига қаршилиқ кўрсатмайди ёки жабрланувчининг ўзи ташаббус кўрсатиши мумкин. Агар айбдор жабрланувчининг хатти-ҳаракатларидан уни жинсий алоқага розилигини тушунган бўлиб, лекин жабрланувчи рози бўлмаган бўлса айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 128-моддаси билан квалификация қилиш лозим⁶⁸.

Ундан ташқари, эркак ёки аёл қўл бармоқлари орқали жабрланувчининг яъни 16 ёшга тўлмаган қизнинг қизлик пардасига жароҳат етказган тақдирда,

⁶⁶ Ф. Тахиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. УДК 343.54.34. (5751). Тошкент 2007. Б. – 125.

⁶⁷ Пайзуллаев Қ. П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. Иловалар 199.

⁶⁸ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.авторреф. – Тошкент, 2006; –С. 88.

қилмиш номулга тегиш билан эмас, балки ЖКнинг 129-моддаси билан яъни 16 ёшга тўлмаган шахсга уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш моддаси билан квалификация қилиш лозим бўлади. Ундан ташқари айбдорнинг ҳаракатлари кўшимча равишда ЖКнинг “соғлиққа қарши қаратилган жиноятлар” бобининг тегишли моддалари орқали малакалани керак. Мазкур ҳолатда айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида суд-тиббий экспертизаси ҳулосасини инобатга олиш лозим⁶⁹.

Ҳулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, болаларга нисбатан жиноятлар ва жинсий жиноятлар содир этилганда тажовуз объекти сифатида жинсий дахлсизлик ва боланинг нормал ривожланиши, жинсий этуқликка эришмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий жиҳатдан нормал ривожланиши, жинсий дахлсизлик, боланинг нормал ривожланиши, боланинг жинсий жиҳатдан нормал ривожланиши, болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ўрганилаётган тадқиқотнинг бевосита объектив томон белгиларини ўрганишда аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, кримнологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.
2. Советское уголовное право (Особ. часть) / И.И. Сеницкий и др. – Л: ЛГУ, 2011. –С. 158.
3. Сексуальное насилие у подростков. Пособие для врачей-курсантов. Под редакцией профессора Ю.А.Гуркина. – Санкт-Петербург: ППМИ, 1997. –С.3.
4. Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноят ёхуд жинсий қилмишларга доир муамолар // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2003. -№6. –Б. 17. Юридический словарь. В 2-х т. –М: Юридическая литература, 1997. Т.2. – С. 228.
5. Флоренций Б.Ю. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 287.

⁶⁹ Пайзуллаев Қ. П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, кримнологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. Иловалар 199.

6. Наимов.А.С. Преступления против жизни, здоровья, свобода и достоинства личности. – М.: ВЗЮИМ, 2011. – С.64.

7. Ф. Тахиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. УДК 343.54.34. (5751). Тошкент 2007. Б. – 125.